ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ДЕНОВ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

# АЗИЗ УСТОЗЛАР

## ҲАҚИДАГИ ҚЎШИҚЛАР ТЎПЛАМИ

(мактаб, лицей, педагогика ва санъат коллежлари учун)

Тузувчи: М.У.Наимов

ТОШКЕНТ – 2003 й.

Ушбу қўлланма Денов педагогика коллежининг илмий педагогик кенгаши томонидан 2003 йил 1 июлда нашрга тавсия этилган № 5 Баённома.

Тузувчи: Музаффар Наимов – Денов педагогика коллежи ўқитувчиси.

Масъул муҳаррир: Рустамбек Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: Ҳабибулло Раҳимов – Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раис ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор.
Ҳамидулла Нурматов – Педагогика фанлари доктори, профессор.

Ушбу қўшиқлар тўплами Ўзбекистон бастакорларининг муаллим, устозлар ҳақидаги қўшиқлардан тузилган бўлиб, мактаблар, лицейлар, педагогика ва санъат коллежларининг мусиқа бўлимлар учун мўлжалланган.

# Кириш

Муаллим-соғлом авлод тарбиячиси,одамлар ҳурматига сазовор бўлаётган, кўплаб шогирдлар етиштираётган устоздир.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори,деб эъзозлайдиган,дунёдаги энг улуг ва шарафликасб эгаси бу-мухтарам устозлардир».

Президентимизнинг1997йилдан бошлаб 1-октябр«Ўкитувчилар куни»ни дам олиш куни деб эълон қилганликлари барча юртимиз ўкитувчиларига бўлган юксак ҳурмат ва ишонч наьмунасидир.

Келажаги буюк Ўзбекистонимизда соғлом ва баркамол авлодни воята етказиш, таьлим-тарбия соҳасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида замонавий дунёкараш асосларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик,истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳтарам устозларимизнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Мазкур қўшиқлар тўплами ана шундай захматкаш, фидойи устоз муаллимлар ҳақидаги қўшиқлардан тузилган. Тўпламда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари: С.Бобоев, Ғ.Қодиров, Ҳ.Раҳимов, Д.Омонуллаева, Ш.Ёрматов, Х.Пўлатов, Ж.Отажонов, О.Комилжоновларнинг устоз муллимлар ҳақида ёзган қўшиқлари ўрин олган.

Мазкур қўшиқлар тўплами мактаб,лицей, педагогика ва санъат коллежларининг мусиқа бўлимлари учун тавсия этилади.

М.Наимов.

## УҚИТУВЧИМИЗ

Ғ. Қодиров

Т. Илҳомов шеъри




cresc.
Фан ден- ги- зи- да
ол- га, мар- до- на
cresc.
бош- лай- сиз биз- ни
(биз- ни) бў- либ пар- во- на.
(фар- занд)
Нақарот
ff
Эс- лай- миз
сиз- ни ҳар қа- чон,
ў- қи- тув- чи-
ff
(Жо — на - жон.)
-миз, жо- на- жон.
Эс- лай- миз




Кемамиз — мактаб, улкан денгиз — фан,
Сиздир муаллим бизнинг капитан.
Фан денгизида олга, мардона
Бошлайсиз бизни бўлиб парвона.

Нақарот:

Эслаймиз сизни ҳар қачон,
Уқитувчимиз, жонажон.

Дарёлар тошар баҳор келганда,
Меҳримиз ошар сизни деганда.
Орзумизга қанот боғлайсиз,
Буюк парвозга бизни чорлайсиз.

Нақарот.

Дейсиз, одамлар иқболи учун
Аяма илму ҳунаринг, кучинг.
Эл — азим чинор: пайванд бўламиз,
Биз сиз айтгандек фарзанд бўламиз.

Нақарот:

## «Раҳмат устозлар»

Туроб Тўла шеъри

Ғофир Қодиров мусиқаси




(ха- ши қолинг)
раҳ- мат сиз-га,
раҳ- мат, ус- тоз- лар,
қалби тў-ла
(қал- би тў-ла)
Қайтариш учун.
санъ- ат, ус- тоз-
лар!
Тамомлаш учун.
Санъ-ат, ус-тоз- лар!
rit.
ff
ff

Енгил эмас айтган йўлингиз,
Енгил эмас енгмоқ, яшамоқ.
Дард кўрмасин, устоз, қўлингиз,
Порлоқ чироқ — сиз ёққан чироқ!
Раҳмат, сизга, раҳмат, устозлар,
Қалби тўла санъат, устозлар!

Енгил эмас йўқдан бор қилмоқ,
Одамларни бахтиёр қилмоқ.
Енгил эмас қишни ёз, ёзни,
Кузни гўзал, гул баҳор қилмоқ.
Яхши қолинг, раҳмат, устозлар,
Кўнгли тўла ҳикмат, устозлар!

Куклар тўла қўшиққа, куйга,
Саодатга, шодликка тўйга.
Бахтиёрмиз, яхши одамлар —
Кўчиб кирса биз қурган уйга!
Яхши қолинг, раҳмат, устозлар,
Қалби тўла санъат, устозлар!

## БАХТИМИЗГА СОҒ БЎЛИНГ

Азамат Суюнов шеъри
Дилором Омонуллаева мусиқаси






## БАХТИМИЗГА
## СОҒ БЎЛИНГ

I

Устозларим бор бўлинг,
Бургут бўлинг, сор бўлинг,
Суянгувчи тоғ бўлинг,
Бахтимизга соғ бўлинг!

Илк партага ўтқаздингиз,
Китоб-дафтар тутқаздингиз,
Бизга билим етказдингиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!

II

Ўткирлашди зеҳнимиз,
Сизга ошди меҳримиз,
Тўлиб-тошди меҳримиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!

Меҳр сувин ичирдингиз
Дафтаримиз текширдингиз,
Хато қилсак, кечирдингиз,
Бахтимизга соғ бўлинг!

# УСТОЗЛАРИМ

*Салтанат Ўринова шеъри* | *Ҳабибулло Раҳимов мусиқаси*






Қайноқ қалби — мисли чироқ,
Фикри тиниқ — жўшқин булоқ,
Тонгдай тиниқ тилаклари,
Юрган йўли мангу порлоқ,

Меҳригиё, Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

Пур маъно бор сўзингизда,
Қуёш балқир юзингизда.
Башар Сиздан камол топар,
Чечак унар изингиздан.

Меҳригиё, Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

Ҳавас қилар Сизга лочин,
Кўкка ёзиб кенг қулочин,
Пок виждону имон ила,
Оқлаяпсиз эл ишончин,

Меҳригиё, Устозларим,
Сўзи зиё Устозларим.

# МУАЛЛИМЛАР

*Сафар Барноев шеъри*

*Ҳабибулло Раҳимов мусиқаси*






Дунё ичра дунёсиз,
Меҳр тўла дарёсиз.
Боболардан бизларга,
Қолган энё, зар ё сиз.

**Н а қ о р а т:**
Онажон муаллимлар,
Отажон муаллимлар.

Кўрсак кўча-кўйларда,
Базмларда, тўйларда,
Яйраб кетар бағримиз,
Байрам бўлар уйларда.

**Н а қ о р а т:**
Онажон муаллимлар,
Отажон муаллимлар.

Хайру хўшдан йироқмиз,
Чароғбонсиз, чироқмиз,
Қўлингизда кўз очган,
Бизлар қайнар булоқмиз.

**Н а қ о р а т:**
Онажон муаллимлар,
Отажон муаллимлар.

Боғ дедингиз, боғ бўлдик,
Тоғ дедингиз, тоғ бўлдик.
Биздан сизга хотира,
Сочингизга оқ бўлдик.

**Н а қ о р а т:**
Онажон муаллимлар,
Отажон муаллимлар.

# АЗИЗ УСТОЗЛАР

Майин

Тўлқин шеъри
Собир Бобоев мусиқаси




Доим азиз ҳурматингиз,
Унутмаймиз меҳнатингиз.

Нақорат:

Жонажонлар, меҳрибонлар,
Азиз устозлар.

Бошимизни силадингиз,
Бизга оқ йўл тиладингиз.

Нақорат такрорланади:

Сизлар бизнинг бахтимизсиз,
Диллардаги аҳдимизсиз.

Нақорат такрорланади:

Сизга иззат, сизга ҳурмат,
Еш қалбларда бўлинг ҳар вақт.

Нақорат такрорланади.

# МУАЛЛИМ

Ш.Саттор шеъри
Шермат Ёрматов мусиқаси

Tempo di valse






Меҳрингиз жўшқин дарё,
Қалбингиз чексиз дунё,
Сўзингиз гавҳар аъло,
Сизга минг таҳсин, таъзим,
Азиз инсон муаллим.

Мисоли ота-она,
Бошим узра парвона,
Гоҳ қувона, гоҳ ёна,
Бергайсиз сабоқ, таълим,
Раҳмат, устоз муаллим.

Ёш келажак авлодмиз,
Ҳамиша қувноқ шодмиз,
Ўқиш фикру зикримиз,
Дил орзуларга лиммо-лим,
Сиз туфайли муаллим.

Ўқиб, ўсиб йилдан-йил,
Камол топар қиз-ўғил,
Бўлинг деб жасур, дадил,
Истиқбол кутар доим,
Биз тайёрмиз муаллим.

# МУАЛЛИМИМ

Юсуф Шомансур шеъри
Шермат Ёрматов мусиқаси

Оҳиста, куйчан




Кўз ўнгимда очди дунё муаллимим,
Йўлларимга сочди зиё муаллимим,
Гўдак эдим, она каби парваришлаб,
Улғайтирди мени доно муаллимим.

Биз шогирдлар суянчиғи кўзин нури,
Таълим берар доим аъло муаллимим,
Қувонади, ёшаради тобора у,
Бизлар олсак "аъло" баҳо муаллимим.

# МУАЛЛИМИМ

Юсуф Шомансур шеъри
Холдарали Пўлатов мусиқаси

Майин, оҳангдор




Кўз ўнгимда очди дунё муаллимим,
Йўлларимга сочди зиё муаллимим,
Гўдак эдим, она каби парваришлаб,
Улғайтирди мени доно муаллимим.

Биз шогирдлар суянчиғи кўзин нури,
Таълим берар доим аъло муаллимим,
Қувонади, ёшаради тобора у,
Бизлар олсак "аъло" баҳо муаллимим.

# ЎҚИТУВЧИМ, УСТОЗИМ

Т.Турсунов шеъри
Ж.Отажонов мусиқаси

Moderato






Ўқитувчим, азиз устозим,
Сизга доим қилурмиз таъзим.
Дарс бердингиз дилдан қувониб,
Тинглагаймиз меҳрга қониб.

Нақорат:
Бахтимизга яшанг, бор бўлинг,
Бизни кўриб қувончга тўлинг.

Илм йўлин бизга очдингиз,
Қалбимизга зиё сочдингиз.
Ўқиб билдик илмлар тилин,
Ҳисоби йўқ жумбоқлар сирин.

Нақорат такрорланади:

Катталарга ҳурмат доимо,
Сиз туфайли қалбимизда жо.
Сизга қанча раҳмат десак оз,
Сиз ҳамиша меҳрибон устоз.
Бошимизга қўнган бу ҳумо,
Минг тасанно сизга доимо.

Нақорат такрорланади:

# МУАЛЛИМ

Баҳром Маҳмуд шеъри
О.Комилжонов мусиқаси






Бошда фикр нури-гавҳар,
Болаларга устоз, сарвар.
Қалби тоза гуллар қадар
Бу - муаллим, муаллим.

Дарсида гар сезса нуқсон,
Юрагида турар тўфон.
Тунлар бедор, қийналган жон
Бу - муаллим, муаллим.

Иши билан дили бирдир,
Дўсти-ёрга ширин тилдир.
Тўлқин урса Аму-Сирдир
Бу - муаллим, муаллим.

Мустақиллик ҳуш замона,
Хуш замонга у парвона.
Юртим, элим... дейди ёна
Бу - муаллим, муаллим!

141 – буюртма 100 нусха. Ҳажми 1,5 б.т.
2003 йил 6 октябрда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.